# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 9 июль, № 132 (6062) Чоршанба


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Римга қайтганимдан сўнг, 2014 йилнинг 5-6 июнь кунлари «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция муносабати билан Ўзбекистонга ташрифим давомида кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва юксак меҳмондўстлик учун Сизга чин дилдан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга қувонч бағишлайди.

Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) ваколатхонаси очилиши тўғрисидаги битимни тайёрлаш жараёнидаги самарали ҳамкорлик учун ФАО томонидан чуқур миннатдорлик билдираман. Бу ўзаро ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сиз билан учрашиш, ўзаро манфаатли масалалар, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатли овқатланиш, шунингдек, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга доир масалаларни муҳокама этиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва мамлакатингизнинг қишлоқ хўжалиги ва экспорт соҳасидаги улкан салоҳияти аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бераётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистонда соғлом ва баркамол авлод келажагининг кафолатидир.

Сиз конференциядаги нутқингизда эслатиб ўтган тараққиётнинг Ўзбекистонга хос йўли — муҳим беш тамойилга асосланган «ўзбек модели» ҳақида маълумот олганим мен учун ғоят фойдали бўлди. Ташриф давомида ушбу тамойиллар муваффақиятли амалга оширилаётгани билан бевосита танишиш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, пухта ўйланган қишлоқ хўжалиги амалиётини қўллаш, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ФАО ҳамиша қўллаб-қувватлашга тайёр эканини таъкидламоқчиман.

Сизга ФАОни доимо қўллаб-қувватлаб келаётганингиз учун миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон Республикаси билан ФАО ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик янада кенг ривожланишига қатъий ишонаман.

Жаноби Олийлари, самимий миннатдорлигим ва чуқур ҳурматимни қабул қилгайсиз.

**Жозе Грациану да СИЛВА,**
**ФАО Бош директори**



*Ҳадемай, барчамиз энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг қутлуғ 23 йиллигини катта тантана сифатида нишонлаймиз. Бу йилги айём тадбирлари Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида белгиланган* ***“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!”*** *деган эзгу ғоя асосида ўтказилиши айни халқимиз дилидаги туйғуларни, фикрларни ўзида яққол ифода этгани билан янада аҳамиятлидир.*

Фарғона вилояти:

## ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Дарҳақиқат, юртимизнинг ҳар бир қарич ери биз учун муқаддас, уни ҳар қанча ардоқласак — кам. Халқимиз бежиз истиқлол байрамини ўзгача интиқлик билан кутмайди. Чунки унинг ҳаётимизда тутган ўрни ниҳоятда беқиёс. Мустақиллик туфайли одамларимиз ўз орзу-истакларининг рўёбини кўриш, муносиб турмуш кечириш имконига эга бўлди, миллий анъана ҳамда қадриятларимиз қайта тикланди, аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, муқаддас қадамжолар обод қилинди. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни нафақат тарихи улуғ, балки келажаги буюк давлат сифатида ҳам тан олди. Бугун мамлакатимиз эришаётган ютуқларга ҳавас қиладиганлар, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга интилаётганлар сафи кенг. Буларнинг барчаси бизга алоҳида ғурур ва ифтихор ҳиссини бағишлайди. Шу боис ҳам файзли дастурхон атрофида, турли учрашув ҳамда давраларда бу каби беқиёс ўзгаришлар бот-бот тилга олинади, истиқлол берган имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапирилади.

Хўш, биз мана шундай даражага қайси омиллар ҳисобидан эришдик? Ким эдигу ким бўлдик? Бу саволларга яқин ўтмишимиздан ва мана шу босиб ўтган 23 йиллик мустақил тараққиёт йўлимиздан муносиб жавоб топишимиз мумкин.

Маълумки, ўлкамизда узоқ йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик мафкура ва асосан, хом ашё етказиб беришга асосланган бир ёқлама иқтисодий сиёсат ўтган асрнинг сўнгида ҳар бир соҳада ўзининг ҳалокатли салбий таъсирини кенг миқёсда кўрсата бошлаган эди. Мамлакатимиз барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича собиқ иттифоқ республикалари орасида энг охирги ўринлардан бирига тушиб қолганди. Саноатда меҳнат унумдорлиги пасайиб, аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражаси абгор аҳволга келганди. Ижтимоий инфратузилма тармоқлари, хусусан, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасаларида жуда оғир шароит ҳукмрон эди. Масалан, ўша вақтда мактаб ва касалхоналарнинг асосий қисми нобоп биноларда жойлаштирилганлигининг ўзи кўп нарсани англатади. Инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши у ёқда турсин, ҳатто яшаши учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмасди. Энди бир тасаввур қилиб кўринг, жуда катта ер ости ва ер усти бойликларига, ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятларига, қулай табиий иқлим шароитига эга бўлган юртимизнинг ана шундай аянчли ҳолатда қолиши қайси мантиққа тўғри келарди? Буларнинг барчаси собиқ тузум қўллаган сиёсат асоратлари эди.

**(Давоми 2-бетда).**



## Самарқанд «Албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёнинг 50 шаҳари» рўйхатида

*2014 йил 7 июль куни Американинг таниқли “The Huffington Post” нашри “Албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёнинг 50 шаҳари” рўйхатини эълон қилди.*

### ЭЪТИРОФ

Дунёнинг энг машҳур шаҳарлари орасида “Шарқ марвариди” — Самарқанд ҳам мавжуд.

Мазкур нашр рейтингида қайд этилганидек, “Регистон майдонидаги мадрасалар ва қадимги иншоотлардаги нақшлар Буюк Ипак йўлининг кўҳна шаҳри — Самарқандни жаҳон ислом меъморчилигининг энг гўзал намуналаридан бирига айлантирган. Лондон ҳам ўзининг нуфузли музейлари, кўчаларидаги машҳур бозорлари туфайли ҳамда ўсувчан молиявий марказ сифатида дунёнинг одамлар энг кўп борадиган қадамжолари рўйхатига кириши ажабланарли эмас”.

Ушбу рейтинг “The Huffington Post” нашри томонидан minube.net саёҳатчилар ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликда тузилган. Мазкур рейтингдан кўзланган мақсад “Буюк кўҳна пойтахтлардан тортиб, то Осиё, Америка ва улардан ташқарида Ердаги энг аъло жойни топиш” билан изоҳланади. Рейтинг муаллифларининг фикр билдиришларича, одамлар ўз ҳаёти давомида албатта бориб кўриши лозим бўлган қадамжолар рўйхатидан дунёнинг 50 шаҳари жой олган.

Самарқанд — МДҲ мамлакатлари шаҳарлари ўртасида ушбу нуфузли рўйхатга кирган ягона шаҳардир.

**«Жаҳон» АА.**

## Чуқур билим ва илғор тажриба

### маҳалла маслаҳатчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг мазмун-моҳиятини ташкил этди

*Юртимизда маҳалла институтини янада такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаётгани бугун юксак самара бермоқда. Маҳалла нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар томонидан ҳам эътироф этилганидек, фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида ўзини ҳар томонлама намоён қилмоқда.*

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Айниқса, унинг хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Маълумки, фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими бундан 10 йил олдин — давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида жорий этилган эди. Айни пайтда ушбу лавозимларда катта ҳаёт тажрибасига эга, аҳоли, энг аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий-диний анъана ва урф-одатларни ривожлантириш борасида ижобий таъсир кўрсата оладиган 8500 дан ортиқ фаол, фидойи хотин-қизлар самарали меҳнат қилмоқда.

Жумладан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан ўтган йилда республикамиз бўйича 6 миллионга яқин оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳолати ўрганилган. Шунингдек, “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти бўйича юз мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилган. Фуқароларнинг маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган 500 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилган.

**(Давоми 2-бетда).**

### БИЗ ВА ЖАҲОН

*“Соғлом бола йили” Давлат дастури амалга оширилиши доирасида Германиянинг Динслакен шаҳрида (Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ўлкаси) ўзбек болалари ижодий ишларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.*

## Ўзбек болаларининг ижодий ишлари «Friedensdorf International»да намойиш этилди

У Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси томонидан “Friedensdorf International” халқаро хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазма ўтказилиши учун айнан мазкур шаҳарнинг танлангани бежиз эмас. Чунки дунёнинг турли мамлакатларидан келган юзлаб болаларга Германияда даволанишлари учун кўмак кўрсатадиган “Friedensdorf International” хайрия ташкилотининг идораси айнан Динслакен шаҳарчасида жойлашган.

Тадбирда кўргазма қатнашчилари Президент Ислом Каримов томонидан 2014 йил Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани, бу ташаббуснинг мазмун-моҳияти ҳамда унга мувофиқ қабул қилинган Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари билан атрофлича таништирилди.

**(Давоми 4-бетда).**






## Саховатли заминимиз неъматлари

Ташқи бозорда Ўзбекистонда етиштирилган қовуннинг қадри баланд ва унга талаб юқори. Таъбир жоиз бўлса, у такрорланмас мазаси, хушбўй ифори, табиий дармондорилар манбаи эканлиги билан барчани мафтун қилган. “Олтин воҳа агроинвест” агросаноат корхонаси томонидан интенсив усулда қовуннинг эртапишар “Жиян” нави етиштирилди. Айни пайтда у замонавий технологиялар ёрдамида қадоқланиб, “NUSI” савдо белгиси билан Россия, Германия ва Европанинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

# Чуқур билим ва илғор тажриба

## маҳалла маслаҳатчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг мазмун-моҳиятини ташкил этди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқаролар йиғинларида йўлга қўйилган “Ота-оналар университетлари” томонидан ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимини ошириш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида 26 мингга яқин тадбирларнинг ўтказилишига кўмаклашилган, “Оила — маҳалла — таълим муассаси” ҳамкорлиги доирасида 30 мингдан ортиқ тадбирлар уюштирилган. Шуларга мос равишда “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича 24 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Табиийки, маслаҳатчиларнинг бу борада тўплаган иш тажрибасини ўрганиш, кенг оммалаштириш ва улар фаолиятини такомиллаштиришда ҳар йили ташкил қилиб келинаётган “Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида танловнинг туман, шаҳар босқичлари, май-июнь ойларида эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ўтказилди. Яқинда мазкур танловнинг республика босқичи Навоий шаҳрида бўлиб ўтди. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Нуроний” жамғармаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигидаги мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги маҳаллалар фаоллари қатнашди.

Кўрик-танловнинг республика босқичида ҳудудларда ғолиб бўлган 14 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ўзаро баҳс олиб борди. Уларнинг маҳаллаларда амалга ошираётган ишлари, соҳага оид қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимлари ҳакамлар ҳайъати томонидан қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди.

— Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмалар катта ўрин ҳамда таъсирга эга, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Навоий вилояти бўлими раиси Нормурод Исоқов. — Айни чоғда маҳалла раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонларнинг жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ҳамда ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулиятини янада ошириш айни муддаодир. Ёшларимизни, айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ҳамда маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларининг ёрдами асқатади. Шу маънода, бу кўрикнинг ўрни ва аҳамияти катта. Унинг республика босқичи ҳудудларда ўтказилаётгани эса жойларда маслаҳатчилар фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.



— Бу йил танловда иштирок этган маслаҳатчилар сони ҳар йилдагидан кўпроқ бўлди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Гавҳар Алимова. — Мисол учун, ўтган йилда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 7,8 мингдан ортиқ маслаҳатчи қатнашган бўлса, бу йил иштирокчилар сони 8,5 мингдан ошди. Шундан ҳам билиш мумкинки, ушбу танлов маслаҳатчилар учун илғор тажрибаларни оммалаштиришда қўл келаяпти.

Танловнинг биринчи шартига кўра, маслаҳатчиларнинг иш фаолияти ва бу борада эришган ютуқлари ўзига хос тарзда тақдим этилди. Тақдимотларда маслаҳатчиларнинг жойларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, ёшлар, жумладан, қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига кўмаклашиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш каби йўналишларда олиб бораётган ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги шартда иштирокчиларнинг соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳамда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги билимлари, шунингдек, фаолиятида учраётган масалаларни ҳал этиш борасидаги тажрибалари ҳакамлар ҳайъатининг диққат-эътиборда бўлди.

Маслаҳатчиларнинг фаоллиги, билим ва малакаси синовдан ўтказилган танловда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги “Дўрман“ маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Саломат Комилова биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Кейинги ўринлар эса Тошкент вилоятининг Пскент туманидаги Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ҳуринисо Аҳмедова ва Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги “Ертепа” қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Латофат Чориевага насиб этди.

— Ушбу тадбир давомида қилган меҳнатларимиз, эришган ютуқларимиз юзага чиқди, — дейди кўрик-танлов ғолибаси С. Комилова. — Хусусан, “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида амалга ошираётган ишларимиз ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Бундан жуда мамнунмиз. Яна бир гап. Биз бу ерда нафақат билимларимизни намойиш этдик, айни чоғда фаол маслаҳатчиларнинг илғор иш тажрибалари билан ҳам танишдик. Бу эса фаолиятимизни бугунги кун талаби даражасида ташкил этишимизда айни муддаодир. Ўйлайманки, ушбу танлов ҳар бир иштирокчи учун оилаларни ўрганиш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий урф-одатлар ва қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш бўйича илғор иш услубларини ўрганиш ҳамда уларни кенг оммалаштириш мактаби бўлиб хизмат қилди. Бундай кўрик-танловлар маслаҳатчилар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, қўшимча куч ва ғайрат бағишлайди, албатта.

Тадбир доирасида иштирокчилар Навоий вилоятидаги энг намунали маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда жамоатчилик комиссиялари фаолияти ва вилоятнинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлишди.

Якунда ғолибларга “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг дипломлари ва совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова ҳамда Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муаллиф олган сурат.



# Қонун ижроси таҳлил этилди

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Қонуннинг “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасида ижро этилиши юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти якунлари кўриб чиқилди.*

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Таъкидланганидек, давлат қўмитаси томонидан бу борада муаяйн ишлар бажариб келинаяпти. Жумладан, ҳар йили давлат геодезия пунктлари ҳолати мониторингини юритиш, назорат қилиш ва уларнинг ишчи ҳолатини тиклашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ўз навбатида, замонавий навигация технологияларини қўллаган ҳолда геодезия тармоқларини яратиш, такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шунингдек, умумий географик, сиёсий-маъмурий, илмий-ахборот берадиган ва бошқа тармоқлараро аҳамиятга молик хариталар ва атласлар, ўқув-картография қўлланмаларини тузиш, нашр қилиш диққат-эътиборда турибди. Жумладан, қўмита тизимидаги “Картография” давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан 200 дан ортиқ турдаги картографик маҳсулотлар нашр этилган. Таълим муассасалари учун атласлар ва контур хариталар яратилган. 2012 йилда эса “Ўзбекистон Республикасининг географик атласи” фундаментал асари тақдим этилди. Айни чоғда геодезия ва картографияга оид фаолият билан 176 та субъект шуғулланиб келаётир.

Қолаверса, давлат қўмитаси томонидан рақамли хариталар яратилмоқда. Бу эса туризм ва сервис соҳасини ривожлантириш, коммунал хизматлар тўловини масофадан туриб амалга ошириш, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлар ва ишбилармонларга қулай имкониятлар яратишда алоҳида ўрин тутади.

Тадбирда соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳақида фикр юритилди. Жумладан, мамлакатимиз жаҳон глобал иқтисодиётининг таркибий қисмига айлангани, транспорт-коммуникация ва логистика тармоқлари жадал тараққий топаётганини ҳисобга олиб, геодезия ва картографияга оид ҳуқуқий базани замон талаблари асосида такомиллаштириш зарур.

Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**С. МАХСУМОВ.**



# Фарғона вилояти: ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримовнинг жасорати, шижоати билан Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида улкан ислоҳотлар даври бошланди.

Ёши катталар яхши эслашади, 90-йилларнинг бошларида мустақил юртимиз келажагига нисбатан шубҳа билан қараганлар жуда кўп бўлган. Айтайлик, илгари қурилган корхоналар тўхтаб қолади, мутахассислар етишмовчилиги кузатилади, деган турли хил фикрлар айтилган эди. Лекин ана шундай қарашларнинг қуруқ бўҳтон экани, бу бизни кўролмасликдан бошқа нарса эмаслиги, мамлакатимиз танлаб олган тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ишончлилигини бугун ҳаётнинг ўзи яққол исботлаб бермоқда. Ҳозир енгил ёки юк ташиш автомобиллари дейсизми, улар учун двигатель, бутловчи қисмларни бўладими, тракторлар, трактор тиркамалари бўладими, ҳаммаси ўзимиздан чиқаяпти. Далаларимизда етиштирилган пахтани, аввалгидек, фақат хом ашё сифатида эмас, энди тайёр маҳсулотга айлантириб ҳам сотаяпмиз. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган тўқимачилик корхоналаримизда сон эмас, сифат кўрсаткичлари ортаяпти. Илғор ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, мобиль телефонлари “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи билан харидорлар қўлига етиб бормоқда. Музлаткич, совутқич, кондиционер, чангюткич, мебель жиҳозлари ёки қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналаримизни айтмайсизми?! Хўш, ана шундай корхоналарда юксак технологияларни билимдонлик ва маҳорат билан ким бошқараяпти? Албатта, мустақиллик йилларида туғилиб ўсган, бугун икки-учта хорижий тилда бемалол сўзлаша оладиган, қалбида шу азиз Ватанга меҳр-муҳаббати кучли ўғил-қизларимиз бошқармоқда. Бундан ҳаммамиз фахрланамиз.

Ўзбекистон бир пайтлардаги қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди. Мана шу ўзгаришлар жараёнини юртимизнинг ҳар гўшасида кўриш мумкин. Жумладан, Фарғона вилоятининг саноат имкониятлари ҳам мисли кўрилмаган даражада ўсди. Вилоят марказидан тортиб, энг олис қишлоқларга қадар илғор ишлаб чиқариш қувватларига эга корхоналар бунёд бўлди. Қулай, жозибадор инвестиция муҳити шаклланди.

— Агар мендан “Мустақиллик қандай имконият, имтиёзлар яратиб берди?” деб сўрашса, ҳеч иккиланмай, тадбиркорликка, дунёга чиқишга, ривожланган давлатлардаги бизнес соҳаси вакиллари билан ўзаро тажриба алмашишга кенг йўл очиб берди, деган бўлардим, — дейди Тошлоқ туманидаги “Стапласт” қўшма корхонаси раҳбари Султонбек Собиров. — Ота-боболаримиз азалдан тадбиркорлик билан шуғулланишган. Лекин, айтайлик, оналаримиз ўзлари тиккан дўппиларни, оталаримиз машаққат билан ясаган пойабзалларни бозорда яшириб, бекиниб сотишга мажбур бўлишган. Ўзим ҳам ўша йиллари хуфиёна бозордан қўлбола дастгоҳ сотиб олиб, тугма ишлаб чиқарган эдим. Аммо хусусий тадбиркорликка йўл йўқлиги учун фаолиятимни ривожлантира олмаганман. Мустақиллик йилларида пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган хусусий корхонага асос солдик. Кейинчалик Жанубий кореялик ҳамкорлар билан қўшма корхона ташкил этдик. Бугунги кунда корхонамиз томонидан юз хилдан зиёд пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Уларни эндиликда экспорт ҳам қилаяпмиз.



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бундан 23 йил аввал Фарғона вилоятида атиги 2 та хорижий сармоя иштирокидаги корхона фаолият кўрсатган бўлиб, улар томонидан, бор-йўғи, 1 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинган. Мазкур рақамнинг ўзиёқ ҳудуднинг саноат имконияти қандай бўлганлиги ҳақида яққол тасаввур уйғотади. Бугунги кунда-чи? Вилоятда хорижий инвесторлар иштирокида 127 та корхона ишлаб турибди. Хусусан, агар 2012 йилда Фарғонада чет эл сармояси иштирокида 11 корхона ташкил этилган бўлса, ўтган йили улар сафига яна 18 таси қўшилди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида эса янги 12 та хорижий корхона рўйхатдан ўтди. Бошқача айтганда, 3 миллион АҚШ долларилик хорижий инвестиция жалб қилиниб, 1100 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда вилоят бўйича ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг тўртдан бир қисмини шу корхоналар етказиб бермоқда. Уларнинг вилоят экспортидаги ҳиссаси 40 фоизни ташкил этиб, аввалги йилдагига нисбатан 5,8 фоиз ўсишга эришилди. Яна бир муҳим кўрсаткични алоҳида келтириб ўтишни хоҳлардик. Ўтган йили вилоятнинг экспорт-импорт сальдоси илк маротаба 1 миллиард доллардан ошди. Ана энди ўзингиз муқояса қилиб кўринг. Бундан 23 йил аввалги 1 миллион доллар қайда-ю, бугунги кундаги 1 миллиард доллар қайда.

Бу борада вилоятнинг ўзига хос ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган туманлари ҳам пайдо бўлди. Айтайлик, собиқ иттифоқ даврида Данғара тумани вилоятнинг энг қолоқ, иқтисодий ночор туманларидан бири ҳисобланарди. Бу заминда қўшма корхона тугул тузукроқ саноат корхонаси ҳам йўқ эди. Айни пайтда туманда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан шуғулланаётган юздан зиёд корхона фаолият кўрсатаяпти. Улардан 6 таси томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар экспортга йўналтирилмоқда. Шуниси эътиборлики, тумандаги тадбиркорлар, ишбилармонларнинг саъй-ҳаракати туфайли данғараликлар экспорт қилиш бўйича Марғилон ва Қўқон шаҳри саноатчиларидан ҳам ўзиб кетишди. Хусусан, 2014 йилнинг биринчи ярмида улар томонидан 103 миллион долларлик маҳсулот хорижлик харидорларга сотилди. Бу тумандаги экспортчи корхоналарнинг ўтган йил давомида эришган натижаси билан деярли тенг. Биргина “Фонтус — Альянс” қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган қуруқ меваларга Россия, Марказий Осиёдаги давлатлардан ташқари, Европанинг ўндан зиёд мамлакатларидан ҳам буюртмалар келиб тушаётгани диққатга сазовор. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида ана шу буюртмачиларга корхона ёрлиғи билан 24 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Яна бир эътиборга молик томони, тумандаги экспортчи корхоналарнинг аксариятини ёшлар бошқараяпти. Ҳали ўттизни ҳам қораламаган Ойбек Абдуллаев — шулардан бири.

— Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда қабул қилинган “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бизнесни йўлга қўйишимга қанот бўлди, — дейди ёш тадбиркор. — Чунки мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини янада соддалаштириш билан бирга, уларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини янада кенгайтирди. Шундан келиб чиқиб, аёллар ва болалар пойабзаллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонага асос солдик. Ҳозир жаҳон пойабзал бозори конъюнктурасини ўрганиб, янги технологиялар олиб келиш ҳаракатидамиз. Ушбу режа амалга ошса, яна 30 та янги иш ўрни яратилади.

Тумандаги “МузаффарТЕХ” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси бир маромда фаолият кўрсатаётган жамоалардан саналади. Ушбу корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлилиги билан хорижлик буюртмачиларнинг ҳам эътиборига тушди. Ўтган йили “МузаффарТЕХ”-да кенг кўламли модернизация ва технологик янгиланиш жараёнлари амалга оширилди. Бу ўзгаришлар корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга ошириш имконини берди. Бинобарин, 2013 йилда 7000 тонна калава ип ишлаб чиқарилиб, 828 минг долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди. Аҳил жамоа бу йил экспорт ҳажмини 1 миллион доллардан ошириш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

Ўтган йили тумандаги қўшма корхоналар сони 10 тага ортди. Улардан бири “Имкон” ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, бу ерда тайёрланаётган полиэтилен маҳсулотлар тури 100 тага етди. Корхона раҳбари Аббосхон Холмирзаевнинг таъкидлашича, 2013 йилда жамоа аъзолари 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишди. 541 минг долларлик маҳсулот хорижий буюртмачиларга етказиб берилди.

“Имкон” учун Соғлом бола йилининг ўтган олти ойи ҳам муваффақиятли кечди. Дастлабки ҳисоб-китоблар 3 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилганини кўрсатиб турибди. Йил якуни бўйича бу кўрсаткич камида 6 миллиард сўмга етади. Шунинг 600 минг долларлик қисми эса экспорт қилинади.

Марғилон шаҳрида ҳам ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан тизимли тадбирлар амалга оширилаяпти. Натижада экспортнинг умумий ҳажмида маҳаллий корхоналарнинг улуши ортаяпти. Шу мақсадларда белгиланган дастур йўналишида иш ташкил этаётган “Муҳаммад Салом Омина”, “Рўзибоев Муҳаммад Расул”, “Ислом Нон”, “Моҳим Акбар барака”, “Мафтункор бахт юлдузи” хусусий корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларни хорижлик буюртмачиларга жўнатиш ишлари жадал бошлаб юборилди.

Бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатмаётган “Нью ленд текс” қўшма корхонасини “Нарм текс” масъулияти чекланган жамияти биржа савдолари орқали сотиб олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, модернизация қилиш ишларини амалга оширди. Бу борада корхонанинг 2013 — 2015 йилларда шаҳар саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига киритилганлиги қўл келди. Қисқа вақт ичида ана шу мақсадларга 150 минг долларлик маблағ сарфланди. Германия, Хитой каби давлатлардан замонавий тикув машиналари, дастгоҳлар келтирилди. 20 та иш ўрни яратилди. Йилига 3 минг дона аёллар қишки кийимлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона ҳозир тўла қувват ва юқори унум билан ишлаяпти.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда Фарғона вилоятидаги 100 дан зиёд қўшма корхоналар дунёнинг 80 дан ортиқ давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишган. Бу борада вилоятда ўтказилаётган хорижий инвесторлар иштирокидаги бизнес-форумлар яхши самара бераяпти. Фарғона, Қўқон, Қувасой шаҳарларида ташкил этилган шундай тадбирларда дунёдаги 20 дан зиёд давлатлардан келган сармоядорларга 118 та корхонага инвестиция жалб қилиш имконияти ҳақида таклифлар берилди. Хорижий инвесторлар билан 43 та халқаро меморандум имзоланди. Шундай анжуманлардан сўнг вилоят иқтисодиётига 20 миллион доллардан зиёд сармоя жалб этилди.

Президентимизнинг яқинда Фарғона вилоятига ташрифи, замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш ишларини изчил давом эттириш тўғрисида берган қимматли маслаҳатлари бу соҳани янада ривожлантириш, янги марраларга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент: Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Ахборот хизмати ҳамкорлигида матбуот анжумани ташкил этилди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Япониянинг Окинава оролига “Неогури” тўфони кириб келиши муносабати билан мазкур ҳудуддан жами 500 мингдан ортиқ киши эвакуация қилиниши билдирилди, дейилади “NHK” телеканали хабарида.*

## Сониясига 70 метр



Жумладан, 130 минг нафар одам Мияко оролига, 113 минг нафар аҳоли вакили Урасоэ шаҳрига, 96 минг киши эса Гинован шаҳрига вақтинча кўчирилади. Тўфон аллақачон Окинавадаги 22 минг хонадонни электр энергиясиз қолдирди. Самолёт ва поездлар қатнови тўхтатилди.

Синоптикларнинг айтишича, “Неогури”нинг марказида шамолнинг тезлиги сониясига 70 метрни ташкил этаяпти. Соҳил бўйларида тўлқинларнинг баландлиги 14 метргача етмоқда.

## Энг катта қуш

*Олимлар Ер юзида яшаган энг катта қушни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот иши якунларини эълон қилишди.*



Ушбу жонивор суяклари 1983 йилда Жанубий Каролина штатида, аэропорт қурилиши вақтида топилган эди. Палеонтологлар уни энг замонавий техника воситалари ёрдамида узоқ вақт ўрганишди.

Аниқланишича, қуш қанотларининг узунлиги 6,5 метрга тенг бўлган. У тўрт миллион йил муқаддам яшаган. Тадқиқотга оид барча қизиқарли маълумотлар “Proceedings of the National Academy of Sciences” журналида нашр этилди.

## Олибсотарларга чора кўрилмоқда

*Футбол бўйича Бразилияда бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатининг аксар чипталари чайқовчилар қўлида сотилаётгани туфайли ФИФА мамлакат полициясидан жиддий чора-тадбирлар кўришни сўради.*



“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабарига кўра, куни кеча Рио-де-Жанейродаги меҳмонхоналардан бирида “Match Services” компанияси ижрочи директори Рэймонд Уэлан олибсотарликни йўлга қўйгани учун қўлга олинди. У жойлашган хонада ўтказилган тинтув чоғида мундиаль ўйинларининг 82 дона чиптаси чиқди.

“Match Services” компанияси бош идораси Цюрихда жойлашган бўлиб, у чипталарни сотиш бўйича ФИФАнинг расмий ҳамкори ҳисобланади.

Ҳозиргача Бразилияда чипталарни ноқонуний йўл билан сотаётган олибсотар гуруҳлар 90 миллион доллардан зиёд маблағ ишлашга улгурган.

## Денгиз йўли орқали

*Ўтган дам олиш кунлари Италия соҳил қўриқчилиги хизмати вакиллари томонидан Африкадан ноқонуний йўл билан келган 2600 нафардан зиёд муҳожир қутқариб қолинди.*



“Евроньюс” телеканали хабарига кўра, улар Гамбия, Эритрея, Судан, Конго Демократик Республикаси фуқароларидир. Статистика маълумотларида қайд этилишича, сўнгги ярим йил ичида Италия қирғоқларига Африкадан ана шундай йўл билан 63 мингдан ортиқ муҳожир кириб келган.

## Анъанавий фестиваль бошланди

*Испаниянинг Памплон шаҳрида буқалар фестивали бошланди.*



Анъанавий тадбирнинг дастлабки кунидаёқ 30 киши жароҳатланди. Улардан беш нафари шифохонага ётқизилди. Маҳаллий ҳукумат бу гал фестиваль қоидаларига бўйсунмаганлар 60 минг еврогача миқдорда жаримага тортилишини билдирди. Яъни буқалар югуришини видеокамерага олиш ва маст ҳолда фестивалда қатнашиш тақиқланди.

Мазкур фестиваль миллий спорт тури саналиб, у икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда буқалар одамлар гавжум кўчадан югуради. Жонивордан қоча олмай қолганлар жароҳатланади. Иккинчи босқичда эса буқа ва матадор “жанг” қилади.

Энг аянчли фестиваль 1924 йилда кузатилган эди. Ўшанда 15 киши ҳаётдан кўз юмган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

ЭЪЛОНЛАР


NBU

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

**2014 йил 10, 15 ва 17 июль кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукционга таклиф этади.**

**Очиқ аукционга қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги «Ўзмиллийбанк»нинг 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Манзили | Асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «KINDER FRUITS» масъулияти чекланган жамияти | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй | Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш | 16 450 897 500,0 | 7 269 733,26 |
| 2. | «FARG‘ONA KIMYO ZAVODI» масъулияти чекланган жамияти | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй | Пахта целлюлозаси ва техник этил спирти ишлаб чиқариш | 59 142 493 600,0 | 28 997 104,14 |
| 3. | «NAMANGAN QOG‘OZI» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй | Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш | 3 970 500 000,0 | 1 802 969,76 |
| 4. | «ASIA SOKATO» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Минерал сув, мевали жем ва сабзавотли консервалар ишлаб чиқариш | 1 463 700 000,0 | 717 640,71 |
| 5. | «NUKUS AGRO» масъулияти чекланган жамияти | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули | Томат пастасини ишлаб чиқариш | 1 785 453 700,0 | 853 018,82 |
| 6. | «ASAKA MAK» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т. Алиева кўчаси, 5-уй | Макарон ишлаб чиқариш | 3 546 012 000,0 | 1 610 213,42 |
| 7. | «VODIY MUZQAYMOG‘I» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй | Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1 064 409 000,0 | 521 871,45 |
| 8. | «OQ SAROY TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 44-уй | Калава ип ва мато ишлаб чиқариш | 54 385 350 518,0 | 24 695 917,95 |
| 9. | «KOSONSOY TO‘QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истамбул кўчаси | Трикотаж ипи, жунли ва яримжунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш | 24 500 000 000,0 | 11 125 238,40 |
| 10. | «ROYAL SILK» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Табиий ипак ишлаб чиқариш | 5 051 423 000,0 | 2 232 248,90 |
| 11. | «CHINOZ TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти | Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчаси, 100-уй | Калава ип ва мато ишлаб чиқариш | 35 517 582 000,0 | 16 500 542,16 |
| 12. | «NAM TEX» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-«Б» уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 787 016 789,82 | 4 898 291,16 |
| 13. | «NAMANGAN TO‘QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-микрорайон, Тўқимачилар кўчаси | Калава ип ишлаб чиқариш | 62 941 505 000,0 | 28 228 561,11 |
| 14. | «ANDIJON CHARM» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 003 004 740,0 | 2 943 226,49 |
| 15. | «SOGDIANA PIPEPLAST» масъулияти чекланган жамияти | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 3 145 245 000,0 | 1 542 089,14 |
| 16. | «GAZALKENT STONE» масъулияти чекланган жамияти | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Завод кўчаси, 1-уй | Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш | 5 790 000 000,0 | 2 838 791,92 |
| 17. | «XUMO TO‘QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳкўчаси, 2-уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 454 271 000,0 | 4 747 194,17 |

**Очиқ аукцион шартлари:**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg‘ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qog‘ozi» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog‘i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To‘qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Chinoz Textile» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To‘qimachi» МЧЖ бўйича 7 йилдан, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖ, «Xumo To‘qimachi» МЧЖ бўйича 1 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган муддати «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg‘ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qog‘ozi» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog‘i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To‘qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Chinoz Textile» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To‘qimachi» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳоларининг 5 фоизи миқдорида, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ҳамда «Xumo To‘qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган санадан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади.**

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (8-371) 234-43-31.

**Аукцион ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49, Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

986R/305

Хизматлар лицензияланган

## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2014 йил 22 майдаги 2-26/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1 мавзеси, 45-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 66,22 кв.м., тураржой майдони 42,01 кв.м.дан иборат бўлган 3 хонали 54-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 103 139 573 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1 мавзеси, 45-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 66,22 кв.м., тураржой майдони 42,01 кв.м.дан иборат бўлган 3 хонали 52-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 110 000 000 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2014 йил 19 июндаги 1-4351/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ангрен кўчаси, 67-уйда жойлашган, умумий ер майдони 725 кв.м., қурилиш ости майдони 264,70 кв.м., тураржой майдони 104,81 кв.м., фойдаланиш майдони 164,03 кв.м. бўлган 4 та хонадан иборат тураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 12 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 10-1119/21524-сонли, 2012 йил 9 апрелдаги 10-1209/2206-сонли, 2012 йил 26 мартдаги 10-1219/3076-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 10-1219/2891-сонли, 2012 йил 10 майдаги 10-1219/5210-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, Чилонзор 25-квартал, 12-«А» уйда жойлашган умумий майдони 1175 кв.м.дан иборат бўлган «И», «З», «Ж», «Л» блокларидаги 1 қаватли 2 та ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 700 589 201 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2014 йил 24 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

**«Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖ**
шуни маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 10 июнь 111-сонида чопэтилган «Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, 16-уйда жойлашган» сўзлари ўрнига «Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, 16-уй, 6-хонадонда жойлашган», деб ўқилсин.

1030R/562

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Фарғона вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Наманган шаҳар судининг 2013 йил 20 сентябрдаги 2-93-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Қувасой кўчаси, 254-уйда жойлашган, 18 531,72 кв.м. бўлган, собиқ 257-сонли механизациялашган колоннанинг бино-иншоотлари мажмуа сифатида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 738 630 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 14 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 12 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 244-46-39. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

1032R/1453

Хизматлар лицензияланган.

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 17 июлдаги 19-1306/3110-сонли апелляция инстанцияси қарорига асосан, Музработ тумани, «Гулистон» ҚФЙ, Жартепа қишлоғида жойлашган, «Surxon sholikori» МЧЖга тегишли, умумий майдони 9709,86 кв.м., фойдаланиш майдони 10226,24 кв.м. бўлган, 70 хонадан иборат, бинолар сони 5 та, 3 қаватли маъмурий ва хизмат кўрсатиш бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 200 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2013 йил 4 ноябрдаги 1-2122-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Кенагас» ҚФЙ, Охлар маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 2515,0 кв.м., 2000 йилда қурилган, «Охлар» чойхонаси ва ёзги ошхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 13 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 11 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 221-77-94. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

1031R/1453

Хизматлар лицензияланган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02


“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси Маданий-маърифий ва бадиий-дам олиш дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири Дилдора Жалиловага волидаи муҳтарамаси
**НИГОРА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси жамоаси ўқув ишлари бўйича проректор, профессор О. Р. Тешаевга волидаи муҳтарамаси
**Раиса ХУДОЙҚУЛОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси Банк иши ва корпоратив молиялар кафедраси катта ўқитувчиси Ағзамжон Ҳусанбоевга падари бузруквори
**ҒАФФОРЖОН отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Жаҳон 24 соат ичида: Бундан буён ҳар ойнинг биринчи якшанбасида Италиядаги музейларга бепул кириш мумкин. Мамлакат маданият вазирлиги ташаббуси билан шундай янгиликка қўл урилди.

# Ўзбек болаларининг ижодий ишлари «Friedensdorf International»да намойиш этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Германияда даволанаётган 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган бемор болалар ҳамда немис жамоатчилиги ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари кўргазма иши билан танишиб, мамлакатимизда болалар ва ўсмирларнинг баркамол ривожланиши учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳамда жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратдилар.

**“Friedensdorf International” хайрия ташкилоти матбуот котиби Хана Ломан** Ўзбекистон ҳукумати томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазалашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берар экан, бундай хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиш “Friedensdorf International” жамоаси учун катта шараф эканлигини таъкидлади.

— Ташкилотимиз Ўзбекистоннинг турли вилоятларидаги бемор болаларни даволаниш учун Германияга юбораётган “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси билан 2002 йилдан буён муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келади, — деди у. — Шу кунларда хайрия ташкилотимизнинг реабилитация марказида мамлакатингиздан келган жами 17 нафар ўғил-қиз даволанмоқда. Улар даволаш муолажаларидан ташқари, таълим олишлари ҳамда коммуникатив ва бошқа кўникмаларни орттиришларига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Улар учун барча зарур шарт-шароит, жумладан, турли тўгараклар, соғломлаштириш мажмуалари ҳамда болалар ўйин майдончалари яратилган.

Айтиш жоизки, ташкилотимизнинг асосий вазифаси болаларни тўласинча даволаш ва уларни мутлақо соғлом ҳолда ота-оналарининг бағрига қайтаришдан иборатдир.

Ўзбек болаларининг бугунги суратлар кўргазмасини ташкил этишдаги кўмаги учун Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасига ўз миннатдорчилигимизни изҳор қилишни истар эдик. Ушбу кўргазма бизда катта таассурот қолдирди. Негаки, кўргазма бизга ва бизнинг ёш беморларимизга ҳаётни ўзбек болаларининг кўзи билан кўриш имконини берди. Болаларнинг ижодий ишлари Ўзбекистонда ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. “Friedensdorf International” бундай муҳим йўналишда ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга тайёр.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон аҳолисини тобора яқинлашиб келаётган миллий байрамингиз — Мустақиллик куни билан чин дилдан табриклар эканман, уларга тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман. Энг муҳими, мамлакатингизнинг барча болалари доимо соғ-саломат ва бахтли бўлишсин.

“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида тадбирнинг айрим иштирокчилари ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.

— Ўзбекистон бўлмаси билан танишиб, ўзбек болалари жуда истеъдодли ва иқтидорли эканлигига амин бўлдим, — дейди немис тадбиркори **Петер Феликс**. — Ёш ижодкорларнинг ишлари ўзбек халқи анъаналари ва қадриятлари, Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, меҳнаткаш халқи, тарихий шаҳарлардаги ноёб меъморчилик обидалари ҳақидаги тасаввурларимни бойитди. Буларнинг барчаси ўзбек халқининг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради.

**“Friedensdorf International” ташкилоти ходими Ирене Шнайдер** эса ўзбек миллий пазандачилик санъатини юқори баҳолади. Унинг айтишича, Германияда ўзбек миллий таомларининг ихлосмандлари тобора ортиб бормоқда.

— Бугунги тадбир доирасида болаларимиз ва барча меҳмонлар ўзбек халқининг миллий таомларидан тотиб кўриш имкониятига эга бўлишгани қувонарлидир, — деди у. — Айниқса, ўзбек палови жудаям мазали экан.

Фурсатдан фойдаланиб, яқинлашиб келаётган муҳим сана — Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ҳар бир ўзбек оиласида осойишталик ва тўкин-сочинлик бардавом бўлишини тилаб қоламан.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# «Инсонга наф келтириш – олий бахт»

*Давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида кейинги йилларда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш, техник ва технологик модернизация қилиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани эътироф этилди.*

## ТАНЛОВ

Шубҳасиз, бу оммавий ахборот воситаларининг бугунги тезкор даврдаги ролини ошириш, соҳа вакилларининг ҳаққоний сўзи орқали адолатли ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, журналистнинг фуқаролик позицияси ва касбий фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда танқидий-таҳлилий фикрлашни шакллантириш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни жорий этишга хизмат қилмоқда. Зотан, юртимизда олиб борилаётган беқиёс ўзгаришлар, инсон манфаатларини таъминлаш йўлида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар, умуман, барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларимизни кенг жамоатчиликка ўз вақтида, холис ва аниқ етказиб беришда ОАВ ходимларининг фаоллигини ошириш ҳаётий заруратдир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан журналистика соҳасида ўтказилган “Инсонга наф келтириш — олий бахт” республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбирда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди.

— Бугунги кунда касаба уюшмалари бошқа барча соҳа ходимлари қаторида оммавий ахборот воситалари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор бермоқда, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Ўтказилган танлов жамиятимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самараси ҳақида аҳолини мунтазам хабардор қилиб келаётган энг фаол журналистларни муносиб рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, унда 120 нафарга яқин журналист қатнашди.

Мустақиллик йилларида диёримизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқимиз турмуши фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш каби масалалар чуқур таҳлил қилинган ижодий ишларнинг барчаси холисона кўриб чиқилиб, босма, электрон оммавий ахборот воситалари йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди.

Танлов ғолиблари Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ҳамда совғалари билан мукофотланди.

**Зиёда АШУРОВА.**

*“Халқ сўзи” газетаси мухбири Зокир Худойшукуров мазкур танловнинг босма оммавий ахборот воситалари йўналиши бўйича 1-ўринга сазовор бўлди.*

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА!




*Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган “Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси” кўрик-танлови якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ўрта махсус таълим тизимида фаолият кўрсатаётган, илғор педагогик технологияларни чуқур ўрганиб, амалиётга самарали татбиқ этаётган 14 нафар ўттиз ёшгача бўлган ёш ўқитувчи қатнашди.*

# Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси

Мазкур тадбир Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ва йигирмата йўналишни ўз ичига олган “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танлови доирасида ўтказилди. Бундан мақсад ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига кўмаклашиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, йигит-қизларда она-Ватанга муҳаббат ва мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига дахлдорлик ҳиссини кучайтиришдан иборат.

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи йигит-қизларни тарбиялаш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш ишлари янада жадал суръатда олиб борилмоқда. Навқирон авлодга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, улкан эътибор, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш учун яратилаётган шароит ва имкониятлар ўз самарасини бермоқда.

“Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танлови ҳам ёшларнинг ноёб кашфиётларини юзага чиқаришга хизмат қилаётир. Чунончи, ушбу танлов доирасида “Энг фаол ёш кимёгар” деб топилган Дониёр Халиловнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган лойиҳаси натижасида “Максам-Чирчиқ” корхонасида карбамид тайёрлаш ҳажми 180 минг тоннадан 270 минг тоннага ошиб, унумдорлик 1,5 баробар ўсди. “Энг фаол ёш тадбиркор” номинацияси ғолиби “Шуҳрат Машсервис” масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори Шерзод Раҳмоновнинг инновацион ғояси асосида паррандачилик мини-фабрикалари учун зарур бўлган ва қўл меҳнатини енгиллаштирувчи “Орзу-1”, “Орзу-2” ускуналари яратилди.

Юртимиздаги фаол ёш ўқитувчилар ўртасида кечган баҳс ҳам таълим тизимига оид инновацион ғоя ва истиқболли лойиҳаларни аниқлаш ҳамда рўёбга чиқариш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

— Танловда ҳамкасбларимнинг илғор тажрибалари билан яқиндан танишдим, — дейди Нукус давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Зулфия Баймагамбетова. — Тадбир давомида ўзимга бўлган ишончим янада ортди. Қатор илмий ва амалий таклифларимни ҳайъат аъзоларига тақдим этдим.

— Мен танловга АКТдан фойдаланган ҳолда ўрта махсус таълим тизимига масофавий ўқитишни жорий этиш, коллеж ва лицейларнинг махсус сайтларини очиш ва у орқали кундалик дарсларни интернетга жойлаштириш таклифини тақдим қилдим, — дейди яна бир иштирокчи, Тошкент 1-Педагогика коллежи ўқитувчиси Муҳиддин Бозоров. — Тадбир давомида ўз иқтидоримиз ва салоҳиятимизни синовдан ўтказиш баробарида, кўплаб янги фикр ва ғояларга эга бўлдик.

Танлов якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан Қашқадарё вилояти Муборак ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Нодира Умирова ғолиб, деб эътироф этилди ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан ташкил этиладиган “Ёш мутахассислар” республика форумида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**М. ХОЛМАТОВА.**


ЭЪЛОН

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2013 йил 2 декабрдаги 2-50-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор шаҳри, «Э. Қурбонов» МФЙ, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, 2 қаватли, 2010 йилда қурилган, умумий ер майдони 310,32 кв.м., фойдаланиш майдони 368,96 кв.м. бўлган савдо мажмуаси биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 383 541 600 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 25 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 23 июль куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Чироқчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2014 йил 14 февралдаги 2-230/1-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чироқчи тумани, «Ҳумо» ҚФЙ, Районобод қишлоғида жойлашган, «Чироқчи дала шпатли кварц» корхонасига қарашли, умумий ер майдони 5634,56 кв.м., қурилиш майдони 598,44 кв.м. бўлган, кварц қумини саралаш ва ювиш цехи бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 169 683 000 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2013 йил 2 декабрдаги 2-50-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Отчопар маҳалласи, Отчопар кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 610,0 кв.м., қурилиш майдони 363,71 кв.м. бўлган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 263 800 500 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 12 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 8 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

1028R/1453

Хизматлар лицензияланган.


# Спорт

*Тажрибали теннисчимиз Оқгул Омонмуродова Францияда бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро турнирнинг яккалик баҳслари биринчи даврасида ғалабага эришди.*

## Ҳамюртларимиз дастлабки баҳсда ғалабага эришди

ТЕННИС



Мезбонлар вакили Матильда Юханссонга қарши кортга чиққан ҳамюртимиз икки сет якунига кўра, 6:3, 6:4 ҳисобида муваффақият қозониб, бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди. Оқгул иккинчи даврада Мэнди Минелла (Люксембург) ҳамда Аманда Каррерас (Буюк Британия) ўртасидаги учрашув ғолиби билан куч синашади.

Мазкур спорт турига оид яна бир хушхабар Таиланддан олинди. Бангкок шаҳрида бошланган нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Сабина Шарипова ҳам биринчи турда рақибидан устун келди. Япониялик Акари Инуе билан баҳс юритган иқтидорли теннисчимиз 6:2, 6:4 ҳисобида зафар қучди. Сабина навбатдаги турда Чаникарн Силакул (Таиланд) ва Хикари Ямамото (Япония) баҳсида муваффақиятга эришган спортчи билан беллашади.

## Ўсмирлар Олимпиадасига яна бир йўлланма

*Сузиш бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси Андрей Правдивцев шу йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган II ўсмирлар Олимпиадасида иштирок этади.*

«НАНКИН — 2014»

Бу ҳақда Халқаро сузиш федерацияси (FINA)дан Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасига келган мактубда маълум қилинган.

Гап шундаки, мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси яқинда Беларуснинг Брест шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган, Олимпиада лицензияси бериладиган мусобақада қатнашган эди. Унда Андрей Правдивцев “А” нормативини, яна уч нафар спортчимиз — Артём Пухнатий, Алексей Тарасенко ва Тимур Латипов “В” нормативини бажарганди.

Қоидага мувофиқ, “А” нормативини уддалаган спортчилар тўғридан-тўғри Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритса, “В” нормативини бажарганлар орасидан энг яхши кўрсаткич қайд этганлар ҳам шундай имкониятга эга бўларди.

Бир неча кун аввал Халқаро сузиш федерацияси ҳамюртимиз Артём Пухнатий “Нанкин — 2014”да иштирок этиши мумкинлигини хабар қилганди. Мазкур ташкилотдан олинган навбатдаги мактубда Андрей Правдивцев ҳам нуфузли мусобақада қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги баён қилинган.

Шу тариқа, II ўсмирлар Олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар сони 28 нафарга етди.

## Тайёргарлик вазифасини ўтайди

*Бугун Сербиянинг Суботика шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида анъанавий халқаро турнир бошланади. 14 июлга қадар давом этадиган мазкур мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари ҳам ғолиблик учун рингга чиқади.*

БОКС



Жумладан, Ҳасан Бахтиёрбеков (-49 кг.), Сулаймон Латипов (-52 кг.), Абдулхай Шораҳматов (-56 кг.), Бобурмирзо Толипов (-60 кг.), Иқболжон Холдоров (-64 кг.), Маҳмуд Ғоипов (-69 кг.), Бектемир Меликўзиев (-75 кг.), Козимбек Мардонов (-75 кг.), Тимур Салихов (-75 кг.), Обиджон Тоҳиров (-81 кг.) ҳамда Раҳматулло Ғофуров (+91 кг.) ўз маҳоратини намойиш қилади.

Боксчиларимиздан уч нафари — Сулаймон Латипов, Бектемир Меликўзиев ва Козимбек Мардонов II ўсмирлар Олимпиадасида иштирок этишидан хабарингиз бор. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Сербиядаги халқаро турнир улар учун нуфузли мусобақа олдидан ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифасини ўтаб бериши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Жамоа катта мураббийи Марат Қурбонов, мураббий Баҳодир Эркаев. Халқаро турнирда фаолият кўрсатадиган ҳакамлар сафидан, шунингдек, ҳамюртимиз Раҳматхон Тиллаев ҳам ўрин олди.

**Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади.**

WWW.XS.UZ

Бразилия: 36 ёшли ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов футбол бўйича жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп — тўққизта ўйинни бошқарган ҳакам сифатида рекорд ўрнатди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5